

КАНПИРАК ДЕВОРИ ТАРИХИ

Ҳожимуродов Олтинбек

Бухду талабаси

Болтаев Бобир Бахтиёрович

Илмий раҳбар. т.ф.ф.д. (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10784351>

Археолог, тарихчилар томонидан «воҳа девори» номи билан аталган ва Буюк Хитой деворига ўхшаб меъморий мудофаа тизими бўлмиш Канпирак девори алоҳида жойлашган бир туркум шаҳар ва қишлоқлардан иборат Бухоро воҳасини ўраб турган. Ушбу иншоотнинг умумий узунлиги 350-400 километр бўлиб, унинг Бухоро воҳасининг бошқа жойларидагига нисбатан яхши сақланган қисми Қизилтепа туманинг маданий ва дашт ҳудудлари бўйлаб ўтган. Шу сабабли ҳам Канпирак деворининг қадим даврлардаги фаолияти, меъморий қурилиш усуллари, ўтмишдаги халқларнинг ҳаёт тарзини ўрганиш бугунги кунда тарихни тиклашда катта аҳамиятга эга.

Канпирак мудофаа тизими кўчманчи қабилалар ҳужумига тўсиқ сифатида яратилган бўлиб, ундаги дастлабки иншоотлар Бухоро воҳасида ҳали алоҳида йирик мулқдорларнинг тарқоқ ҳукмронлиги даврида, яъни 1V асрда қурила бошланган ҳамда воҳада Бухорхудоднинг марказий ҳукмронлиги кучайиши даврида—V асрда битказилган. Таъкидлаш лозимки, Канпирақдек ноёб иншоотни бунёд қилишда жуда кўп маблағ ва ишчи кучи узоқ муддат давомида сарфланган. Турк ҳоқонлиги даврида Канпирак бир асрдан кўпроқ вақт давомида қаровсиз қолган ва уни қайтадан тиклаш ишлари араблар истилосидан кейин (У111 аср охири) яна кўчманчилар билан исломлашган маҳаллий аҳоли ўртасида низолар кучайиши туфайли бошланган, бироқ унинг кўпхарражатлилиги туфайли тикланиш жараёни 50 йилга чўзилиб кетган, лекин якунига етказилмаган. Бухоро таҳтида Исмоил Сомоний (ҳукмронлик даври 888-907 й.й.) ўтиргач, ўзаро низолар бартараф этилиши натижасида воҳа мудофаа тизими ўз аҳамиятини йўқотган.

Тадқиқотларга кўра, замонавий ерларни ўзлаштириш, ирригация ва хўжалик иншоотларини қуриш натижасида Канпирак деворнинг жуда катта қисми бузиб ташланган, лекин Қизилтепа туманида 13 километрга яқин бўлаги нисбатан яхши сақланган. Шу сақланган қисмда солномаларда кўрсатилган қалъаларнинг Канпирак тизимини маълум масофаларида (4-5 км) қад кўтарганига тасдиқ топдик. Одатда бу қалъалар Бухоро воҳасига элтувчи стратегик йўллар устида қурилган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон тарихи фанида Канпир девор (Девори канпирак) атамаси Ўрта Осиёда деҳқончилик воҳаларини кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида барпо этилган мудофаа иншоотлари тизимини англатади. “Канпир девор” сўзининг маъноси қазилган чоҳ демакдир. Талаффузда “н” билан “м” алмашуви кузатилади. “Пир” бўғини эса қадимги пайрыйа – айлана, ўров маъносида. Демак, кан(м)пир сўзининг ўзи хандакли девор дегани. Девор сўзи канпир сўзининг туб маъноси унutilганда қўшилган.

Қизилтепа туманинг шимоли-шарқий, жануби-тарб томонидаги мавзеларда ер сатҳи тепасидан аниқ-равshan қўриниб турувчи, узоқ масофаларга чўзилиб кетган сунъий тупроққўрғон қолдиқлари ястаниб ётиби. Бу иншоот Кармана тумани маркази

чегарасидаги Қоратоғ ўнгирларидан бошланиб, Зарафшоннинг чап қирғоғи бўйлаб, шарқ-ғарб томонга йўналган. Абу Муслим каналининг чап қирғоғи бўйлаб, туман марказидаги Қизилтепа ёдгорлиги томон йўналишини давом эттиради ва ундан жануби-ғарбга, сўнгра жанубга йўналиб, Когон туманининг жануби-шарқ қисмида ўз ниҳоясига етади.

Маҳаллий аҳоли тилида ушбу маҳобатли сунъий қурилиш истеҳкоми “Кампирдевол” деб аталади. Ўрта Осиё мудофаа истеҳкомлари меъморчилигининг нодир намунаси ҳисобланган бу иншоот тарихи Бухоро воҳаси халқлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, археологлар ва тарихчилар томонидан у “воҳа девори” деб аталган. Канпирак девори нафақат алоҳида жойлашган бир туркум шаҳар ва қишлоқлар мудофааси учун, балки улкан маданий ҳудуд, бутун бир воҳа мудофааси мақсадлари йўлида хизмат қилган. У ўзининг меъморий-қурилиш усуллари билан жаҳонга машҳур Буюк Хитой деворини эслатади. Самарқанд шахри ва унинг теварак-атрофини ўраб турган Қиёмат девори (Девори қиёмат) ҳам унга ўхшашидир.

Археолог ва тарихчи олимлар Ўткир Алимов ва Мирсадик Исҳоқовнинг фикрича, илк ўрта асрларда минтақада Бухоро воҳасидан ташқари тўртта Канпирак девори мавжуд бўлган. Биринчи Канпирак девори юқорида айтилганидек қадимги Бухоро воҳасидаги шаҳар-қишлоқларни ўраб олган мудофаа девори. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асаридаги маълумотга кўра, Канпирак девори 782 – 831 йилларда қурилган [1]. Араб тарихчиси ва сайёхи Масъудий (956 йил вафот этган)нинг ёзишича, Канпирак девори қадимги Суғд подшолари замонида (V – VI асрлар) бино қилинган. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Наршахий маълумоти бу деворнинг қайта тикланган даврига тўғри келади. Канпирак девори харобаларини археологик жиҳатдан ўрганиш ёзма манбалардаги маълумотни тўла тасдиқлади. Масъудий хабар қилган дастлабки кўхна девор Наршахий ёзган Канпирак деворига қараганда анча кичик майдонни эгаллаган. У сунъий марза ҳолда сақланган. Бу деворнинг узунлиги 336 км бўлган.

Қадимги Суғд воҳасини ўраб олган иккинчи Канпирак девори VIII аср охири – IX аср бошларида бино қилинган бўлиб, унинг узунлиги 120 км. Учинчи Канпирак девори қадимги Усрушона воҳасини ўраб олган. Бу деворлар сунъий кўтарма ҳолда сақланган. Тўртинчи Канпирак девори қадимги Фарғона водийсининг ғарбида VIII аср охири – IX аср бошларида бино қилинган. Бешинчи Канпирак девори қадимги Тошкент воҳасини шимол тарафдан ўраган бўлиб, Хўжакентдан Сирдарёгача чўзилган [2].

VIII – IX асрларда Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида Бухоро, Суғд ва Усрушона воҳалари атрофидаги Канпирак деворлар бир-бири билан туташтирилиб, ягона мудофаа тизими вужудга келтирилган. Бу деворлар кўчманчи қабила ва элатларнинг ўтрок дехқончилик воҳаларига босқинчилик ва талончилик юришларига қарши тўсиқ ҳосил қилиш учун бино этилган. Уларнинг йўналиш чизиқлари Бухоро, Марказий Суғд, Усрушона, Тошкент ва Фарбий Фарғона воҳаларининг VIII – IX асрлардаги обод ерлари чегаралари ва катта-кичиклигини аниқлашга ёрдам беради.

Бухоро Суғдига қарашли Карманадан чўл худуди бўйлаб ҳозирги Когон тумани марказигача, шунингдек, шимоли-ғарб, шимол ва шимоли-шарқ томондан Бухоро воҳаси мудофаа девори билан ўраб олинган. Девор шимоли-ғарбда Варахша (Жондор тумани), ундан Субуктепа, Бўронтепа (Ромитан), Хўжақултепа (Пешку) сарҳадлари бўйлаб ўтиб, Шофиркон канали чап қирғоғи бўйлаб ўтган ва Абу Муслимтепага бориб

туташган. Шунингдек, Ҳазора дараси бўйлаб яна бир кўтарма девор Конимех воҳасини кесиб ўтган ва Кармана тумани марказида Қоратовга бориб тақалган.

Қоракўл воҳаси таркибидаги қадимги Пайкент шахри атрофларида мудофаа девори бўлмаган. Унинг ўрнида мудофаа қудрати оширилган кўп сонли карvonсаройлар бунёд этилган. Чорвадор қабилаларнинг босқинчилик юришлари кучайган анъанавий кузги-қишки мавсумларда Бухоро воҳаси қишлоқларидан кўплаб ёш жангчилар талончиларнинг ҳужумларига қарши туришган.

Канпирак девори йўналишининг ҳар бир фарсаҳ (6-8 км) масофасида шаҳар ёки қишлоқлар, шунингдек, работлар бунёд этилган ва бу аҳоли манзиллари бир вақтнинг ўзида чегара қўрғонлари вазифасини ҳам бажарган. Қизилтепа тумани худудида Қизилтепа шаҳар ёдгорлигидан ташқари Шахри Вайрон (Тавоис шаҳрининг ўрни), Оқсочтепа, Лавандоқ каби истеҳкомлар жойлашган. Шунингдек, ҳар бир қўрғон ва девор билан ўраб олинган худуд учун маҳсус дарвозалар, қўрғонлар орасида бир чақиримдан камроқ масофада ҳарбий буржлар курилган. Демак, Канпирак девор кўп тармоқли, қудратли мудофаа девори сифатида фаолият қўрсатган.

Канпирак девори харобаларида Н.Ф.Ситняковский [3], А.Ю.Якубовский [4], А.В.Шишкин [5], Х.Муҳаммедов ва бошқа археологлар томонидан ўtkazilgan тадқиқотларда деворнинг ҳозирги Қизилтепа туманидан ўтувчи қисмида қуидаги натижаларга келинди:

- иншоотнинг таг замини шағал аралашган тупроқдан иборат бўлиб, эни 13 метр эканлиги;
- девор асосан пахсадан, айрим жойлари қисман тўғри тўртбурчак шаклидаги йирик ҳажмли хом ғиштлардан кўтарилганлиги;
- девор қурилиши ҳақиқатан икки босқичда амалга оширилгани;
- иккинчи босқичда ҳам айрим ўзгаришларни ҳисобга олмаганда аввалги ўрнида сақлаб қолингани аниқланган.

Сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотлар девор қурилишининг ilk босқичи – V асрнинг охири ва VI асрнинг биринчи ярми билан боғлиқлигини исботлади.

Милодий эранинг V асирида Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг катта қисмида қудратли Эфталийлар давлати ташкил топади. Бу давлат манбаларда Оқ хуннлар давлати деб ҳам айтилади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, эфталийлар Сирдарё водийсида истиқомат қилган, дастлабки ҳаёти кўчманчи чорвадор қабила тарзида бўлган, кейинчалик жануб томонга йўналишган. Бу давлатга эфталийлар, эфталитлар, хайталлар, абдаллар, йе-да каби турли номлар билан айтилган Эфталийлар қабилалари иттифоқи асос солган. 420-579 йилларда фаолият қўрсатган Эфталийлар туркий давлатининг пойтахти аввал Бухоро яқинидаги Пойкенд ва Варахша шаҳарлари, сўнгра Ҳиндистондаги Шакала шахри (ҳозирги Сиалкат) бўлган [6].

VI асрнинг бошлари ва ўрталарида Эфталийлар давлати учун энг катта хавф Эрон Сосонийлар давлати ва Буюк Турк хоқонлиги томонидан солинмоқда эди. Айнан шу сабаблар Канпирак девори қурилишига туртки бўлган. Милодий эранинг 563-567 йиллари орасида Бухоро остонасида турклар билан эфталийлар ўртасидаги жангда эфталийлар мағлубиятга учраган ва Эфталийлар давлати 579 йилда бутунлай барҳам топган.

Канпирак девор Бухоронинг V-VI асрлардаги чегараларини аниқлаб берувчи ягона иншоот сифатида қадрланади. Бу улкан худуд ўша даврда энг анъанавий, мумтоз давлатчилик куртаклари мавжуд бўлган йирик маданий ўлка сифатида фаолият қўрсатган.

Турк ҳоқонлиги даврида деворнинг аввалги мавқеи йўқолган. Гарчанд ҳоқонликнинг зодагонлар қисми чўл-дашт худудларида яшаган бўлса-да, ҳоқонлик маҳаллий суғдий аҳоли ҳамда кўчманчилар ўртасида тинчлик, ҳамжиҳатлик алоқаларини ўрнатиш, савдо-сотиқни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган. Ҳоқонлик даврида ҳозирги Ўзбекистон ва Ўрта Осиё худудидаги 15га яқин катта-кичик давлатлар мустақиллиги чекланган, улар ҳоқонликка расман бўйсиндирилиб, йиллик бож-хирожлар тўлаттирилган. Мазкур кичик давлатлар (Бухорхудотлар подшолиги, Вардонхудотлар подшолиги, Самарқанд Суғди ва бошқалар) Суғд конфедерацияси бўлиб уюшган ва Буюк Турк ҳоқонлиги таркибига кирган [7]. Ҳоқонлик савдо-сотиқдан, айниқса, ипак савдосидан катта фойда кўргани учун Суғд савдогарларига катта имкониятлар яратган, уларга дунёning энг узоқ ўлкаларида ҳам савдо манзилгоҳлари қурдириб берган. Бу ҳолат Канпирак девор аҳамиятини янада йўқотган ва у харобага айлана бошлаган.

VII аср охиргиchoragi va VIII аср бошларида Турон ҳудудига яна бир сиёсий куч тажовуз қила бошлади. Bu - араб босқинчиларининг истилочилик юришлари эди. Хурсон ноиби Қутайба ибн Муслим (660-715)ning биринчи юришларидан сўнг Мовароуннаҳр, жумладан, Бухоро (Фарбий Суғд) ҳам VIII аср бошларида босиб олинади ва аҳолини исломлаштириш бошланади. Bu даврда исломга кирган маданий воҳа аҳолиси ва исломни қабул қилмаган чўл-дашт кўчманчи аҳолиси ўртасида қарама-қаршилик кучайиб Канпирак деворга яна эҳтиёж туғилади ва у қайта тикланади.

819 йилда Мовароуннаҳр ва Хурсонда сомонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келади. Араб халифалигидан мустақил равишида фаолият қўрсатган Сомонийлар давлатига 874 йилда Исмоил Сомоний асос солган. Bu давлат ўзининг қудрати, маънавий-маърифий ҳаётдаги тараққиёти билан машҳур бўлган. Сомонийлар давлатининг асосчиси амир Исмоил Сомоний «То мен тирик эканман, Бухоронинг девори мен бўламан» деган ва шу даврдан бошлаб Канпирак девор ўз аҳамиятини тамоман йўқотган.

Канпирак девор ўзбек халқи аждодларининг қаҳрамонона тарихи ҳисобланади. Уни билиш, ардоқлаш, фарзандларимизга етказиш, сақланиб қолган қисмини йўқотмаслик биз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

References:

1. Наршахий. Бухоро тарихи. 36-37-бетлар.
2. Алимов Ў., Исҳоқов М. Канпир девор // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.4. – Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2002. 439-бет.
3. ПТКЛА.год III, Ташкент. 1897-1898. стр 89-94.
4. Якубовский А.Ю. Краткий полевой отчет о работах Зарафшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 г. – ТОВЭ. Т. II. Л.: 1940.
5. Шишкин В.А. Варахша.-М.,1963.

6. Ражабов Қ., Қандов Б., Шоймардонов И., Норматов О. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги қунгача). – Т.: O'zbekiston, 2011. 47-48-бетлар.
7. Отакўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Т.: ART – FLEX, 2010. 28-40-бетлар.

